

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ
СОЛИҚ ҚЎМИТАСИННИГ
ҚАРОРИ

520 Давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик субъектларидан молиявий ҳисобот, солиқлар, мажбурий тўловлар ва даромадлар тўғрисидаги декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар, ёзма аризалар ва билдиришномалар қабул қилиб олиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш тўғрисида низомнинг 3-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил
9 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1500-2*

(2012 йил 19 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (I)-сон), Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Конунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 232-модда) 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 3 октябрдаги ПФ-4473-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Фармонига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 40-сон, 466-модда) муовфика Давлат солиқ қўмитаси **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 10 июлдаги 2005-42-сон қарори (рўйхат рақами 1500, 2005 йил 29 июль)

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.

520-модда

— 76 —

45 (545)-сон

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 30-31-сон, 238-модда) билан тасдиқланган Давлат солик хизмати органлари тадбиркорлик субъектларидан молиявий ҳисобот, соликлар, мажбурий тўловлар ва даромадлар тўғрисидаги декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар, ёзма аризалар ва билдиришномаларни қабул қилиб олиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги низомнинг 3-банди иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Бунда микрофирма ва кичик корхоналар томонидан бухгалтерия балансидан иборат молиявий ҳисобот — 1-шаклни ҳамда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот — 2-шаклни ҳар ҳисобот йили бўйича ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 февралидан кечикмасдан давлат солик хизмати органларига топширилади.».

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Раис

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 10 октябрь,
2012-29-сон